

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Эгамбердиев Воҳиджон Отабекович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси ва криминология кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7313895>

**Аннотация.** Мақола Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги долзарб масалаларга бағишланган. Унда мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари, мурожаатларнинг турлари, шакллари ва муддатлар ёритилган. Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқишдаги алоҳида ўрни таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** мурожаат, ариза, таклиф, шикоят, давлат иштироки, ички ишлар органлари.

## ОСНОВНЫЕ ВОПРОСЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО РАССМОТРЕНИЮ ОБРАЩЕНИЙ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация.** Статья посвящена актуальным вопросам рассмотрения обращений физических и юридических лиц органами внутренних дел Республики Узбекистан. В ней описаны основные принципы рассмотрения обращений, виды, формы и сроки рассмотрения обращений. Вместе с этим, проанализирована особая роль сотрудниками органов внутренних дел при рассмотрении обращений.

**Ключевые слова:** обращение, заявление, предложение, жалоба, участие государства, органы внутренних дел.

## KEY ISSUES OF THE ACTIVITY OF CONSIDERING APPLICATIONS OF NATURAL AND LEGAL PERSONS IN THE INTERNAL AFFAIRS BODIES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Annotation.** The article is devoted to current issues of consideration of appeals of individuals and legal entities by internal affairs bodies of the Republic of Uzbekistan. It describes the basic principles of consideration appeals, types, forms and timing of consideration appeals. At the same time the special role of officers in appeals' consideration is analyzed.

**Keywords:** appeal, application, proposal, complaint, state participation, internal affairs bodies.

### КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади демократик ўзгаришлар қилиш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун мустаҳкам моддий негизни яратишдир. Ушбу ислохотларнинг негизида, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ётади. Конституциямизда белгилаб берилган нормалар асосида мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда кадр-қиммати энг олий қадрият даражасига кўтарилди. Бугунги кунга келиб, ушбу олий қадрият нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормалари билан кенг ҳимоя қилинади. Зеро, “халқаро ҳуқуқ

нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республикада қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий қоидаларидан бири” дир [1].

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Яқин ўтмишда ички ишлар органлари фаолиятини назорат қилиш фақат махсус бўлинмалар ва хизматлар томонидан амалга оширилган. Бироқ жамият ва давлат ўртасидаги мулоқот ривожланиб боргани сари ички ишлар органлари фаолиятининг қонунийлигини назорат қилишнинг идоравий, прокурорлик, суд каби ўзига хос шакллари билан бир қаторда жамоатчилик назорати ҳам кўшилди. Жумладан, жамиятнинг фикри ва танқиди, қоида тариқасида, оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиб келмоқда [2].

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга оид қўйилган вазифани амалда таъминланаётгани натижасидир. Фармонга мувофиқ ишлаб чиқилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 августда қабул қилинди, Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланди, 2017 йил 11 сентябрда ЎРҚ-445-сон билан Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланди, 2017 йил 12 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди [3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон фармонинг 3-бандида маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилиши белгиланган [4].

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган ташаббус асосида фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини амалда таъминлаш масаласи кун тартибига олиб чиқилганидан сўнг демократик ислохотларни амалга оширишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаоллиги сезиларли равишда оша бошлади [5].

Шу муносабат билан ички ишлар органлари ходимларининг халқ билан самарали мулоқотини йўлга қўйиш борасидаги касбий билимини ошириш, амалий кўникмаларини юксалтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор қилиш асосий вазифага айланмоқда [6].

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш, одамлар билан мулоқот қилиш, халқнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш ва ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ИИВнинг ишонч телефон рақамлари ташкил этилди. Мурожаатлар билан ишлаш тизимининг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Жисмоний

ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди [7].

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча вилоят, шаҳар ва туманларидаги МХТМда хизмат қилаётган профилактика инспекторлари муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг фаол тизимига ўтиб, аҳоли билан бевосита мулоқотни, жойларда юзага келган камчиликларни бартараф қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминламоқда [8].

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза** — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**таклиф** — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**электрон мурожаат** — белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**такрорий мурожаат** — айна бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдириляётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонунчиликда белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

**аноним мурожаат** — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**муурожаатнинг дубликати** — айна бир жисмоний ёки юридик шахс муурожаатининг кўчирма нусхаси;

**оммавий қабул** — давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида муурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

**видеоконференцалоқа** — узокда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

**давлат иштирокидаги ташкилот** — устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

**МУҲОКАМА**

*Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:*

⇒ қонунийлик;

⇒ мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

⇒ мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги;

⇒ жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;

⇒ мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги;

⇒ мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги.

*Мурожаатларнинг шакллари қуйидагилар*

⇒ оғзаки,

⇒ ёзма

⇒ электрон

*Мурожаатларнинг турлари*

⇒ аризалар,

⇒ таклифлар

⇒ шикоятлар ҳисобланади.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъий назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

**Оғзаки шаклдаги мурожаатлар** одатда, шахс томонидан юзма-юз ёки телефон орқали қилиниб, мурожаатнинг мазмуни ички ишлар идораларида юритиладиган махсус китобларда (масалан, МХТМда юритиладиган “Фуқароларнинг мурожаатларини қайд қилиш” китобида) ёки оғзаки мурожаатни қабул қилиш баённомаси каби ҳужжатларда қайд этилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

**Ёзма шаклдаги мурожаатлар** эса аризаларда ўз ифодасини топади. Маълумки, қонунда бир-бирига ўхшаш бўлган “арз”, “ариза”, “оғзаки ариза баённомаси” каби терминлар ўз ифодасини топган. Ушбу ҳолатда “арз” тушунчаси фуқаро мурожаатининг мазмунини акс эттирса, “ариза” эса мазкур мурожаат қайд этилган процессуал ҳужжатни ифодалайди.

Ёзма мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак [9].

Амалиётда кўпчилик ҳолатда ёзма шаклдаги мурожаатлар ариза тарзида амалга оширилади. Бироқ ҳар доим ҳам мурожаат ариза шаклида бўлавермайди. Мисол учун, қонунда давлат органларига оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан ҳам мурожаатлар келиб тушиши назарда тутилган бўлиб, ушбу мурожаатларни ҳам белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш талаб этилади. ЖПКнинг 322-моддаси 1-қисм 2 ва 3-бандларида эса корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор

шахслар ёки оммавий ахборот воситалари берган хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаблардан бири бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Демак, мурожаат “хабар” мазмунида ҳам бўлиши мумкин.

**Электрон шаклдаги мурожаат** электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак. Электрон мурожаатнинг қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қўйидаги муддатлар бўйича кўриб чиқилади:**

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Замонавий дунёда айни вақтда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш қобилияти, манфаатларнинг умумий қадриятларини шакллантириш, турли манбалардан маълумотларнинг мавжудлиги ва бошқалар каби жараёнларни назарда тутадиган глобаллашув жараёни шаклланиб бормоқда. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларига улкан таъсир кўрсатаётган технологик тараққиёт даврида ички ишлар органларининг халқ билан мулоқоти катта аҳамиятга эга ҳисобланади [10].

Юқорида таъкидланганларни, шунингдек мурожаат қилиш ҳуқуқи ўзига икки жиҳат (фуқароларнинг давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига фаол таъсир кўрсатиш имконияти ҳамда шикоят ва аризалар орқали бузилган ҳуқуқларни тиклаш усули)ни қамраб олишини ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, фуқароларнинг халқ ҳокимиятига мурожаат қилиш конституциявий ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ масаланинг долзарблиги шубҳасиздир.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистоннинг тадрижий тараққиёт йўлида Президент Шавкат Мирзиёев давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлатни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш борасида долзарб ҳаётий ғоя ва ташаббусларни илгари суриб, уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш йўлида самарали саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

## **REFERENCES**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 644-

б.

2. Райгородский В.Л., Капранов А.В. Обращения граждан как средства общественного контроля за деятельностью органов внутренних дел // *Философия права*. – 2012. – 71-77 с.

3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/mobileact/3107036> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2017 й., – №6.

4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/5841063> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги “ 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2022 й., – №2.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг нодавлат нотижорат ташкилотлар портали – <http://e-ngo.uz/>

6. Обращения граждан – важный фактор развития диалога с народом: Методическое пособие. / Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества. – Т.: «Fan va texnologiya», 2018. – 100 с.

7. Ахборот-ҳуқуқий портал. [https://www.норма.уз/уз/бизнинг\\_шарҳлар/президент\\_виртуал\\_қабулхонасининг\\_янги\\_тал\\_кини\\_ишга\\_туширилди](https://www.норма.уз/уз/бизнинг_шарҳлар/президент_виртуал_қабулхонасининг_янги_тал_кини_ишга_туширилди).

8. Герасимова Е.В., Жидконожкина О.Н. Институт рассмотрения обращений граждан в системе МВД России: правовой аспект // *Уголовно-процессуальная охрана прав и законных интересов несовершеннолетних*. – 2020. – Т. 1. – №. 7. – С. 19-25.

9. Туляков Э. Давлат бошқаруви тизимидаги ислохотлар учинчи ренессанс сари дадил кадам – <https://strategy.uz/index.php?news=1070>

10. Медвежев Д.В., Комаров Д.Ю. Общественная дипломатия («мягкая сила») – государственная необходимость // *ЛУЧШАЯ НАУЧНАЯ СТАТЬЯ 2021: сборник статей XLIV Международного научно-исследовательского конкурса*. – Пенза, РФ: МЦНС «Наука и Просвещение». – 2021. – 244 с.